БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ВА АНДИЖОН

З.З.Машрабов, Ғ.Х.Сатимов

В статье рассматривается роль великого шелкового пути в экономической и культурной жизни Центральной Азии и, в частности, в становлении и развитии города Андижана.

The article discusses the history and development the Great Silk Route, as well as the cultural life in Central Asia, particularly the formation and development of Andijan as a city on this road.

Жамият тараққиёти тарихида қадимдан иқтисодий, маданий ва савдо алоқалари муҳим роль ўйнайди. Бу алоқалар натижасида карвон йўллари ва уларнинг тармоқлари пайдо бўлган, шаклланган ва ривож топган. Курраи заминимизда қуруқлик орқали, сув йўллари орқали турли карвон йўллари очилган ва улардан узоқ муддат фойдаланишган ҳамда бу йўллар орқали ташилган моддий бойликлар ҳисобга олиниб, турли хил номлар билан аталган.

Савдогар ва туристлар томонидан эъзозлаб тилга олинадиган бир йўл борки, у кишилик тарихида жуда катта аҳамият касб этган. Бу йўл асосан ипак савдоси асосида қитъаларни бирлаштирган савдо

карвонлари йўли бўлиб, бу йўлга 1868 -1872 йиллар давомида Хитойга етти марта сафар қилган немис сайёҳи ва географи Фердинанд фон Рихтхофен биринчи бор “Ипак йўли”[1] номини берган ва кейинчалик бу атама илмий-оммабоп адабиётларга чуқур ўрнашиб кетди.

Ипак йўли деганда қадимдан Шарқий, Жанубий ва Ғарбий Осиёни ўз ичига олган Афро-Евросиё ўлкаларини, Ўрта Ерлар денгизи ва Европани, шунингдек, Шимолий ва Шарқий Африкани ўзаро боғлаб турган улкан карвон йўли тушунилади ва уни ҳозирда “Буюк Ипак йўли”[2] атамаси билан номлайдилар. Унинг узунлиги 4000 миля (6500 км)лик масофага чўзилган. Ушбу савдо йўли орқали Хитойдан келтирилиб Осиё, Европа ва ҳатто Африка қитъасининг катта ҳудудларига олиб бориб савдо қилингани боис “Ипак йўли” номини олгани бежиз эмас. Бу савдо йўли Хан сулоласи ҳукмронлик қилган (эрамиздан аввалги 206 – эрамизнинг 220 й.) даврдаёқ шу ном билан атала бошлаган, ушбу йўлнинг Осиё ҳудудидан ўтган қисми эрамиздан аввалги 114 йиллардан бошлаб Хан сулоласи ҳукмдорлари ғамхўрлиги остида жуда ривожланиб кенгайди ва гуллаб яшнади.

Қадимдан кишилар юк ташувчи ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва кемасозлик сирларини ўрганиб савдо юкларини бир шаҳардан иккинчи жойга ташиш ишларини йўлга қўйдилар, турли маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқлар ўртасидаги савдо ва маданий алоқалари тез ривожлана бошлади. Осиё ҳудудидан ўтадиган карвон йўлидаги ўтлоқлар ва сув ҳавзалари савдогарларга қуруқликдан юрадиган карвонлар учун деҳқончилик қилинадиган ҳудудларга зарар етказмасдан ва маҳаллий аҳолининг эътирозини қўзғатмасдан Тинч океанидан Африка қирғоқларигача бўлган улкан масофани кўзлаб самарали ҳаракати учун қулай шароит яратиб берди. Ўртада юксак Памир тоғ тизмалари бўлишига қарамай, эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликдаёқ Ёркент ва Хўтан конларидан нефрит (йашм) каби қимматбаҳо маъданлар қазиб олинган, Бадахшон конларидан эса ложувард (лазурит) олиниб Хитойга олиб бориб сотилган.

Ипак йўли орқали олиб борилганн савдо-сотиқ ва товар айрибошлаш ишлари ривожланиши асосида Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Европа ва Арабистон каби мамлакатларда иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт сезиларли даражада тараққий топди. Хитойдан олиб келинадиган асосий товар ипак бўлса ҳам, у билан бир қаторда турли хил ҳунармандчилик моллари ишлаб чиқишнинг янги технологияси, шунингдек, янгича дин ва дунёқараш олиб келинар эди. Савдо йўлининг дастлабки очилишида асосан Ҳиндистон ва Бақтриялик савдогарлар иш бошлаган эдилар. Кейинроқ, эрамизнинг 5-8 асрларига келиб Сўғдиёна ва Арабистон ҳамда Эрон садогарлари ҳам шу сафдан ўрин олдилар.

Буюк ипак йўлининг бошланиш санаси мил. авв. II асрдан, яъни Хитой дипломати Чжан Цзяннинг Фарғона водийси орқали Уструшона, Сўғд ва ундан бошқа ўлкаларга саёҳат этган вақтидан ҳисоблаш мумкин. Ипак йўлининг муҳим бир бўлаги Фарғона водийсидан ўтган [3]. Ушбу йўлни икки тармоққа бўлиш мумкин:

1. Сиань (Хитой) >> Қашқар >> Ўш >> Мингтепа >> Андижон >> Қува >> Конибодом >> Хўжанд >> Уструшона >> Сўғд ва ундан Бақтрия томон кетган.
2. Сиань >> Қашқар >> Ўш ёки Ўзган орқали Учқўрғон >> Ахсикет >> Поп (Боб) >> Ашт >> Қамчиқ довони орқали Оҳангарон водийсига, ундан Қозоғистон даштларига чиқилган [4].

Албатта, ҳар икки тармоқ йўлдаги алоқаларда Андижон шаҳри салмоқли ўринга эга бўлган. Андижон тилга олинган ипак йўли фаолият кўрсатган даврда шаклланган йирик марказий шаҳар эди. Сўнгги маълумотларга кўра, шаҳар милоддан аввалги VI-IV асрларда Довон давлати деб аталмиш Фарғона давлати таркибидаги Эрши (Мингтепа), Ахсикет, Қува (Қубо), Поп (Поб), Жўжанд, Ўш, Ўзган каби қадимги шаҳарлар қаторида Андижон шаҳар сифатида шаклана бошлади [5]. Шубҳа йўққи, қитъалараро савдо йўлида бу шаҳар карвонлар қўним топадиган йирик пункт эди ва шаҳарнинг кейинги тараққиётида ипак йўли ҳал қилувчи роль ўйнаган. Андижонда товар айрибош этилган, йўл кўрсатувчилар олинган, транспорт ҳайвонлари алмаштирилган, йўл учун озиқ-овқат заҳираси тайёрланган. Бу алоқаларни кўрсатувчи топилмалар ҳам бор. Масалан, яқинда Марҳамат туманида Хитойнинг “кай юан тун бао” ва “у-шу” типидаги тангаларидан бир нечаси топилди.

Ўрта асрларда Андижон – “Андукон”, “Андугон”, “Андигон”, “Андикон”, “Андаган”, “Андиган” шаклларида Истахри, Ибн Хавкал, Шарафиддин Али Яздий асарлари ва бошқа тарихий манбаларда учрайди. XIII асрда Чингизхон наслига мансуб мўғул хонлари Хайду ибн Каши ибн Ўғатой ибн Чингизхон (1230 - 1301) ва Дувахон (1291-1306) даврида шаҳар гуллаб яшнади, бу ерда ободончилик ишлари амалга оширилди, кўплаб масжид ва мадрасалар бунёд этилди, қайта қуриш ишлари кенг миқёсда олиб борилди. Бунинг натижаси ўлароқ, шаҳарга “Қуббот-ул-Исломи Андижон” деган шарафли ном берилди.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурий шаҳзо-

[1] Немисча *Seidenstraße- Ипак йўли*

далар ҳукмронлиги даврида ҳам Андижон ҳоким қароргоҳи жойлашган йирик шаҳар мақомида эди. Соҳибқирон Андижон ва Ўзган шаҳарларини ҳамда уларга қарашли ҳудудларни ўғли Умаршайхга берган эди. Кейинроқ бу ҳудуд унинг ўғиллари Искандар ва Мирак Аҳмад ихтиёрига берилди. Машҳур тарихнавис ва дипломат Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матла ассаадайн ва мажмаа ал-бахрайн” асарида хабар берилишича, Умаршайхнинг буйруғига биноан 1377-1378 йилларда Андижон шаҳри қалъа сифатида ҳимоя қўрғони билан ўраб олинган ва шаҳарни ободонлаштириш ишларига катта эътибор берилган [5].

Амир Темурнинг невараси Абусаид мирзо Андижон ва Ўзганни ўн икки тумани билан ўғли Умаршайх мирзога беради. Унинг ҳукмдорлиги даврда Фарғона давлати, хусусан, унинг пойтахти Андижон гуллаб яшнади ва адолат билан бошқарилди. Унинг ўғли ва меросхўри Заҳириддин Муҳаммад Бобур давридаги Андижон таърифини “Бобурнома”чалик бошқа бирон бир асар бера олмаса керак. Манбада ёзилишича, “Андижон ...Фарғона вилоятининг пойтахтидир. Ғалласи мўл, меваси кўп, қовун ва узуми яхши бўлади.Андижоннинг ношвотисидан яхшироқ ношвоти (нок) бўлмас. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш (Шаҳрисабз) қўрғонидан кейин бундан каттароқ қўрғон йўқ. Уч дарвозаси бор. Арки (подшоҳ саройи) жануб тарафида жойлашган. Шаҳарга тўққиз тарнов сув киради.. Ажабки, бирор ердан ташқарига чиқмайди” [2].

Тарихда Андижон Ўрта Осиёдаги кўплаб ўлкалар билан Хитой ўртасидаги савдо алоқаларида ўзига хос кўпрок вазифасини бажарган. Қашқардан карвонлар пахта ва газлама матолари, чарм, пойафзал, мева-чевалар, доривор ўсимликлар, гурунч, чой, қуруқ мевалар, мис буюмлар, мўйна, ипак қурти, ипак ва бошқа керак буюмлар келтирган. Бир маълумотда айтилишича, XIX асрнинг иккинчи ярмида Хитойдан келтириладиган моллардан (чой, кумуш, вино ва ароқдан ташқари) божхона тўлови олинмаган.

Бугунда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси сайъи ҳаракатлари билан Андижон-Ўш-Эргаштом йўли тикланиш арафасида турибди. Бу TRACECA (Transport Corridor Europe Caucasus-Asia) лойиҳаси бўйича Буюк ипак йўлини тиклаш деган гап. Бу Европа билан Осиёни боғловчи ўзига хос кўприк бўлади. Минтақа давлатлари учун Хитойнинг Буюк Ипак йўлидаги Сиань, Дуньхуан, Ланьчжоу, Урумчи, Қашқар каби қадимдан савдо ва маданий марказларига кенг йўл очилади. Бу йўл бўйидаги Андижон учун экотуризм, тарихий туризм каби соҳаларни очиш учун имкониятлар туғдиради.

Бугунги Андижон республикамиздаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалари юксак ривожланган вилоятлардан биридир. Шаҳардаги саноат корхоналари ва ,айниқса, хорижий инвестициялар асосида ишлаётган қўшма корхоналар, қишлоқ хўжалигида банд бўлган фермерлар, олий ўқув юртлари, маданият ва илм марказлари мустақил республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаши борасида муҳим ҳисса қўшмоқда. Бу соҳаларда эришилган муваффақиятлар мамлакатимиз раҳбарияти, муҳтарам президентимиз И.А.Каримов томонидан муносиб тақдирланди. Андижоннинг “Амир Темур” ордени билан тақдирланишини бунинг ёрқин далили, унга берилаётган юксак эътибор ва ҳурмат белгиси деб қарамоқ керак.

Адабиётлар:

1. Ртвеладзе Э. Великий шелковый путь.- Т., 1999
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.- Т., 2008
3. Матбобоев Б.Х., Шамсутдинов Р.Т., Мамажонов А. Буюк ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари.- Андижон, 1994.
4. Матбобоев Б.Х. Могильник Мунчактепа в Северной Фергане (Узбекистан). // Российская археология.- 1999.- №3
5. Матбобоев Б.Х., З.З.Машрапов. Древний и средневековый Андижан.- Т.: Шарқ, 2011.

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди,
Андижон давлат университети.
2012 йил 18 майда қабул қилинган